

Муминов Р.Р. - Солиқ академияси,
катта ўқитувчи

СОЛИҚ НАЗОРАТИНИНГ ҲИСОБ-АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация

Уибу мақолада солиқ назоратининг муҳим ажралмас қисми бўлган солиқ текширувлари ва камерал назоратни ташкил этишда юридик шахсларнинг таркиби, солиқ назоратининг ҳисоб-ахборот таъминотини ташкил этишининг манбаалари ҳамда солиқ назоратининг такомиллаштириши масалалари ёритилган.

Аннотация

Данная статья широко освещает вопросы налоговых проверок и камерального контроля, что является их важной и неотъемлемой частью, состава юридических лиц в организации налогового контроля, ресурсов в организации учетно-информационной базы налогового контроля, а также вопросы их усовершенствования.

Abstract

The present article deals with issues of audit and cameral control, that is important and integral part of tax control, the staff of juridical persons in arrangement of cameral control, sources in organization of account and informational base of tax control and issues of tax control improvement.

Калим сўзлар: молиявий ҳисоботлар, солиқ ҳисоботлари, юридик шахслар, тижорат ва нотижорат ташкилотлар, соддалаштирилган тартибдаги солиқлар, умумбелгиланган солиқлар, солиқ назорати, солиқ назоратининг ҳисоб-ахборот таъминоти.

Молиявий ва солиқ ҳисоботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 августдаги 157-сон "Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 10 июндаги "Молиявий ва солиқ ҳисоботларини алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилигига 2016 йил 12 июлда 2808-сон билан рўйхатга олинган) ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Электрон

хужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисбот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги ПҚ-100 сонли ва бошқа қарорлари эса солиқ тўловчилар томонидан молиявий ҳисбот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва ажратмалар, даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар (шу жумладан қонунчиликка мувофиқ ҳисоб-китобларга илова қилинадиган хужжатлар) ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш, тўлашга доир ёзма аризалар ва билдиришномаларни солиқ органларига тақдим этиш борасида ўзаро муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 3 июлда 942-сон (942-1- сон билан 2002 йил 22 июлда ўзгартиришлар киритилган) билан рўйхатга олинган "Чораклик ва йиллик молиявий ҳисботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низом", 2003 йил 24 январда 1209-сон (1209-5-сон билан 2012 йил 11 октябрда ўзгартиришлар киритилган) билан рўйхатга олинган "Молиявий ҳисбот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг "Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида"ди Қарори (Адлия вазирлигига 2013 йил 4 апрелда 2439-сон (2439-3-сон билан 2016 йил 21 апрелда ўзгартиришлар киритилган) билан рўйхатга олинган) билан молиявий ва солиқ ҳисботлари шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида "Бугунги кунда солиқ ва статистика ҳисботлари 100 фоиз электрон шаклда Интернет тармоғи орқали тақдим этилмоқда" [1] - деб таъкидлаб ўтди.

Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектлари [2] ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар ўз навбатида юридик ва жисмоний шахсларга бўлинади.
Юридик шахсларнинг таркибий тузилиши 1-расмда келтирилган.



1-расм. Юридик шахсларнинг таркибий тузилиши.

Юридик шахслар фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот, яъни тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган (нотижорат) ташкилот бўлиши мумкин (2-расм).

Тижоратчи

Нотижорат

- | | | | |
|--------------------------|---|--------------------------|--|
| <input type="checkbox"/> | хўжалик ширкати ва жамияти; | <input type="checkbox"/> | жамоат бирлашмаси; |
| <input type="checkbox"/> | хўжалик ширкати ва жамияти; | <input type="checkbox"/> | ижтимоий фонд; |
| <input type="checkbox"/> | хўжалик ширкати ва жамияти; | <input type="checkbox"/> | мулқдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида; |
| <input type="checkbox"/> | конунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин. | <input type="checkbox"/> | конунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин. |

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиши мумкин

2-расм. Тижоратчи ва нотижорат ташкилотлар.

Илк маротаба аналитик-ҳисоб тизими тушунчаси XX асрнинг 90 йиллар ўртасида пайдо бўлди ва бундан буён унинг барча элементлари ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда. Бу атама муаллифлари бўлиб Л.В.Попова ва И.П.Ульянов бўлдилар.

Аналитик-ҳисоб тизимини тор ва кенг маънода талқин қилиш мумкин. Тор маънода – бу бир корхона, ташкилот аналитик-ҳисоб тизими бўлиб, у нафақат тизим структурасига қарам бўлади, балки корхонанинг ўзига хос фаолиятига ҳам боғлиқ. Кенг маънода, аналитик-ҳисоб тизими, турли субъектлар учун универсал бўлган тамойил ва методлардан тузилган. Аналитик-ҳисоб тизим тушунчасини турли муаллифлар томонидан талқин қилинишини қуидаги 1-жадвал асосида кўриб чиқишимиз мумкин.

1-жадвал

Аналитик-ҳисоб тизим тушунчасини турли муаллифлар томонидан талқин қилиниши [3]

Муаллиф	Аналитик-ҳисоб тизими
Попова Л.В	Бухгалтерия маълумотларига асосланган, оператив янгиликларга эга бўлган ва иқтисодий таҳлил учун статистик, техник ва бошқа турдаги маълумотлардан фойдаланувчи тизим. Шунда, кенг маънода, аналитик-ҳисоб тизими деб – маълумотларни йигувчи, уларни қайта ишлаб, баҳоловчи ва улардан турли даражада, бошқарув қарорини қабул қилиш учун фойдаланадиган тизим назарда тутилади.

Домбровская Е.Н	Аналитик-ҳисоб тизими бу-бошқарув тизимини таркибий қисми бўлиб, ўз ичига ҳисобли ва ҳисобсиз маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш учун ва келажакда микро ва макро даражада стратегик ва тактик бошқарувни амалга оширади.
Усатова Л.В	Аналитик-ҳисоб тизими бу-ўзаро боғлик ва ўзаро фаолият юритувчи мажмуа бўлиб, узлуксиз, мақсадли келажакда режали фаолиятда керак бўлган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва баҳолаш учун ва самарали бошқарув қарорларни қабул қилиш учун керак.
Маслова И.А	Тўлиқ ёки қисман марказлашмаган, элементар тизимлари турли ҳилдаги маълумотларни йиғиб, ишлаб ва баҳолаб берувчи тизимдир. У турли бошқарув қарорларини микро ва макро даражада фойдаланадиган тизимдир.

Ҳозирга кунда солик тўловчиларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларни олдини олиш, солик тушумларига салбий таъсир этмаган ҳолда солик текширувларини қисқартириш, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган солик текширувлари бўйича қабул қилинган мораторийга қатъий риоя қилиш асосда камерал назорат тадбирлари сифатини ошириб, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қўшимча маблағлар жалб қилинишини таъминлаш солик соҳасидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.


Солик назоратини ўтказиш учун ҳисоб-ахборот тизими мавжуд бўлиши зарур. Солик назорати доирасида бугунги кунда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Иқтисодий адабиётларда олимлар, иқтисодчилар томонидан солик назоратининг ҳисоб-ахборот таъминотига турлича таърифлар берилган. Бизнинг фикримизча, солик назоратининг ҳисоб-ахборот таъминоти тизимиға қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Солик назоратининг ҳисоб-ахборот таъминоти тизими бу-солик тўловчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича мажбуриятларини тўғри ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга доир молиявий ва солик ҳисоблари хужжатлари ҳамда ташқи манбалардан олинган ахборотлар, маълумотлар, ҳисботлар мажмуидир”.

Бугунги кунда солик назоратининг ҳисоб-ахборот тизими икки босқичдан иборат, яъни юридик шахс ва давлат солик хизмати органлари тизимларидан иборатдир (3-расм).



3-расм. Солик назоратининг ҳисоб-ахборот тизимида шаклланадиган маълумотлар.

Юридик шахсларда солик назоратининг ҳисоб-ахборот таъминоти қўйидагилардан ташкил топади (4-расм)



4-расм. Юридик шахсларда солик назоратининг ҳисоб-ахборот таъминот тизими.

Солик назоратини амалга оширишда Давлат солик хизмати органларида маълумотлар манбай кенгаяди, яъни бу вазиятни қуидагича ифодалашимиз мумкин.



5-расм. Давлат солик хизмати органларида солик назоратининг ҳисоб-ахборот таъминоти тизими.

Солик тўловчилар Солик кодексида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашлари солик мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Солик мажбуриятларини бажаришда бир вақтда солик агентлари ва солик тўловчиларнинг вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин (6-расм).




6-расм. Солиқ тўловчилар. Солиқ агентлари. Солиқ тўловчининг вакиллари [2].

Юқоридаги берилган маълумотларга асосан солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисботларни Давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи ва солиқ агенти сифатида тақдим этадилар. Буни солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибидаги солиқ тўловчилар мисолида қўйидаги 7-расмда кўриб чиқишимиз мумкин:



7-расм. Солик солишининг соддалаштирилган тартибидаги солик тўловчилар

8-расмда умумбелгиланган солиқларни тўловчи юридик шахслар акс эттирилган:



8-расм. Умумбелгиланган солиқларни тўловчи юридик шахслар.

Солик солишининг соддалаштирилган тартибидага солиқларни ҳисоблаб чиқариш жараёни умумбелгиланган солиқларга нисбатан осонроқ. Умумбелгиланган солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун албатта етарли даражада тажриба ва малака зарурияти керак бўлади.

Хулоса ўрнида, давлат солик хизмати органлари томонидан солик назорати шаклларидан бўлган солик текширувлари ва камерал текширув турларини ўтказишда ҳар бир солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича методология ишлаб чиқилиши, такомиллаштирилиши ҳамда давлат солик хизмати органларида фойдаланилаётган дастурий маҳсулотлар ҳамда автоматлаштирилган ахборот тизимлари билан мувофиқлаштирилиб борилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган янги таҳридаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ “Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг ҳар йили малака оширишдан ўтишини таъминлаши шарт”лиги

кўрсатиб ўтилганлигини ҳисобга олган ҳолда Давлат солиқ хизмати органларининг солиқ текширувлари ва камерал назорат тартибидаги солиқ назоратини амалга оширувчи ходимларини ҳам ҳар йили малака оширишдан ўтиши таъминланса бу борадаги ишларни самарадорлиги янада ошган бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, www.xs.uz, 2016 йил 18 январь
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Т-2016.
3. Вандина О.Г., Понятие учетно-аналитической системы и ее роль в управлении предприятием. Армавирская педагогическая академия. Россия. www.konspekt.biz.